

# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 4 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 8, НОМЕР 4

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 8, ISSUE 4



# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА | INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№4 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2025-4>

**Бош муҳаррир:**  
**Тўхтасинов Илҳом**  
п.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

**Главный редактор:**  
**Тухтасинов Илхом**  
д.п.н., профессор (Ўзбекистан)

**Заместитель главного редактора:**

**Editor in Chief:**  
**Tuhtasinov Ilhom**  
DSc. Professor (Uzbekistan)

**Deputy Chief Editor**

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ

**Назаров Бахтиёр**  
академик. (Ўзбекистон)

**Якуб Умарўғли**  
ф.ф.д., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**  
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

**Бокиева Гуландом**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**  
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

**Махмудов Низомиддин**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**  
ф.ф.д., профессор (Россия)

**Жўраев Маматкул**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахиммамед**  
к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Жеймс Форт**  
Мичиган университети (АҚШ)

**Умархўжаев Мухтор**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Болтабоев Ҳамидулла**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Дўстмухаммедов Хуршид**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддикова Ирода**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Шнукашвили Тамар**  
ф.ф.д. (Грузия)

**Туробов Бекпулат**  
масъул қотиб, PhD, доцент  
(Ўзбекистон)

**Мўминова Маъсума Ғолиб қизи**  
ф.ф.д., (PhD) вб. доцент

## РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

**Назаров Бахтиёр**  
академик. (Ўзбекистан)

**Якуб Умар оғли**  
д.ф.н., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**  
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

**Бакиева Гуландом**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Миннуллин Ким**  
д.ф.н., профессор (Татарстан)

**Махмудов Низомиддин**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Керимов Исмаил**  
д.ф.н., профессор (Россия)

**Джўраев Маматкул**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Куренов Рахиммамед**  
к.ф.н. (Туркменистан)

**Кристофер Джеймс Форт**  
Университет Мичигана (США)

**Умархаджаев Мухтар**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Мирзаев Ибодулло**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Балтабаев Ҳамидулла**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Дўстмухаммедов Хуршид**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Лиходзиевский А.С.**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Сиддикова Ирода**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Шнукашвили Тамар**  
д.ф.н. (Грузия)

**Туробов Бекпулат**  
отв. секретарь, PhD, доцент  
(Ўзбекистан)

**Муминова Масума Ғолиб қизи**  
PhD и.о. доцент

## EDITORIAL BOARD

**Bakhtiyor Nazarov**  
academician. (Uzbekistan)

**Yakub Umarogli**  
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

**Almaz Ulvi Binnatova**  
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

**Bakieva Gulandom**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Minnulin Kim**  
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

**Mahmudov Nizomiddin**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Kerimov Ismail**  
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

**Juraev Mamatkul**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Kurenov Rakhimmamed**  
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

**Christopher James Fort**  
University of Michigan (USA)

**Umarchodjaev Mukhtar**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Mirzaev Ibodulla**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Boltaboev Hamidulla**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Dustmuhammadov Khurshid**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Lixodzievsky A.S.**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Siddiqova Iroda**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Shiukashvili Tamar**  
Doc. of philol. scien. (Georgia)

**Turobov Bekpulat**  
PhD Ass. prof. Senior Secretary  
(Uzbekistan)

**Mo'minova Ma'suma**  
PhD Acting Docent  
(Uzbekistan)

PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

<b>1. Tajibayeva Latofat Farxodovna</b> TABIAT VA INSON MUNOSABATLARINING ADABIYOTDA AKS ETISHI.....	5
<b>2. Syuy Myao</b> КРАТКОЕ РАССМОТРЕНИЕ ЯЗЫКОВОЙ И РИТОРИЧЕСКОЙ ЭСТЕТИКИ В «ЗОЛОТОЙ ЦЕПИ» ЧЖАН АЙЛИН.....	9
<b>3. Najmiyeva Po‘lotoy Tilavmurodovna</b> O‘ZBEK VA YAPON TILLARIDA KELISHIK QO‘SHIMCHALARI VA YAPON TILIDAGI KELISHIK PARTIKULALARINING MORFOLOGIK HAMDA SINTAKTIK MOHIYATI.....	14
<b>4. Lutfilloeva Faxriniso Maxmudovna</b> ЯПОН МИЛЛИЙ МАФКУРАСИДА ТИЛ ОМИЛИ ВА УНИНГ ИДЕОЛОГИК КОНЦЕПЦИЯСИ.....	20
<b>5. Shaniyazov Jenisbay Ungarbaevich</b> TURKIY VA INGLIZ TILLARIGA MUSHTARAK SO‘ZLAR HAQIDA.....	25
<b>6. Ergasheva Tursunoy Abdukaюmovna</b> ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИФИ ВА SALES TAX АТАМАЛАРИНИНГ ПРАГМАЛИНГВИСТИК ҚИЁСИЙ ТАХЛИЛИ.....	29
<b>7. Xolikov Bahodir</b> DEV O‘ZBEK MIFOLOGIYASI DOMINANT OBRAZALARIDAN BIRI SIFATIDA.....	34
<b>8. Nilufar Abduraxmonova, Mahliyo Eshmamatova</b> PARALLEL KORPUS ASOSIDA RAVISHDOSHLI BIRIKMALARNING SEMANTIKASI VA STRUKTUR MODELLARI TADQIQI.....	40
<b>9. Hasanova Sevinch Hotam qizi</b> THE MULTILEVEL STRUCTURE OF THE LANGUAGE SYSTEM AND ITS CONCEPTUAL INTERPRETATION IN TRANSLATION THEORY.....	52
<b>10. Namazova Manzura Urakovna</b> O‘ZBEK ADABIYOTIDA PSIXOLOGIZM (O‘ZBEK ROMANLARI ASOSIDA).....	58
<b>11. Mavloнова Наргиза Алишеровна</b> ПРИНЦИПЫ ОТБОРА ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ СООТВЕТСТВИЙ И ИДЕОГРАФИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ АНГЛИЙСКИХ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ И ИХ СООТВЕТСТВИЙ В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ.....	63
<b>12. Ismailov Anvar Rustamovich</b> CHET TILI O‘QITUVCHILARNING PEDAGOGIK KOMPETENSIYASINING MOHIYATI.....	70
<b>13. Achilova Zuxra Qurbonovna</b> “MALLA SAVDOGAR” DOSTONI VARIANTLARIDA AVAZXON BILAN BOG‘LIQ SAFAR MOTIVI VA VAQT KULTI.....	75
<b>14. Abduraxmonova Nilufar Zaynobiddin qizi, Xoljurayeva Yulduz Sobir qizi</b> O‘ZBEK TILIDAGI NORP OBYEKTLARINI BIOES ANNOTATSIYA SXEMASI ASOSIDA ANIQLASH.....	88
<b>15. Kim Татьяна Сергеевна</b> ДИСКУРСИВНЫЙ АНАЛИЗ НОВОСТНОГО ТЕКСТА КОРЕЙСКИХ ГАЗЕТ.....	96
<b>16. Лазиза Джиянбаева</b> РАНГ КОМПОНЕНТЛИ ТУРФУН БИРИКМАЛАР.....	102
<b>17. Laziza Dzhiyanbayeva</b> SOCIAL CHARACTERISTICS OF COLOR SEMANTICS.....	108
<b>18. Makhammatkulova Diyora Nodirovna, Makhammatkulova Iroda Nodirovna, Rahimov Nodir Makhammatkulovich</b> DIGITAL FOOTPRINT AS A PHENOMENON OF MODERN EDUCATION.....	114

<b>19. Boboyev Ulash Ne'matovich</b> OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI TILINING LEKSIK IMKONIYATLARI (GAZETA TILI MISOLIDA).....	120
<b>20. Файзуллаева Мохинорабегим Бехзодбек кизи</b> СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ РЕЧЕВЫХ АКТОВ ИЗВИНЕНИЯ В КИТАЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ.....	124
<b>21. Rashidova Muxlisa, Sobirova Madina Mahmudjon qizi</b> UNIVERSAL DEPENDENCIES MODELI DOIRASIDA SINTAKTIK ANNOTATSIYALANGAN KORPUSLARNI TAHLIL QILISH.....	129
<b>22. Ишниязова Шахноз Ашировна</b> МИФОЛОГИЧЕСКОЕ МЫШЛЕНИЕ И ТОТЕМИЧЕСКИЕ МОТИВЫ В УЗБЕКСКОЙ ПРОЗЕ XX ВЕКА: К ПРОБЛЕМЕ ТИПОЛОГИЧЕСКОЙ БЛИЗОСТИ С ПРОИЗВЕДЕНИЯМИ ЧИНГИЗА АЙТМАТОВА.....	135
<b>23. Тошбекова Дилором Исмоиловна</b> СОПОСТАВИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ СТРУКТУРНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ ИРОНИЧЕСКИХ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ.....	143
<b>24. Умурова Гузал Хотамовна</b> ПСИХОЛОГИЯ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ТВОРЧЕСТВА - ЗНАЧИМОСТЬ КОМПЛЕКСНОГО ПОДХОДА К ИЗУЧЕНИЮ И ОРГАНИЗАЦИИ ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.....	149
<b>25. Даминова Фазода Ирисовна</b> ТЕОРЕТИКО-ИСТОРИЧЕСКИЕ И МИРОВОЗЗРЕНЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ДРЕВНЕРУССКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ.....	154
<b>26. Усманова Салиха Юлдашевна</b> ИЗ ИСТОРИИ ИЗУЧЕНИЯ ВВОДНО-МОДАЛЬНЫХ ЕДИНИЦ В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКОЗНАНИИ.....	161
<b>27. Hakimov Muxamadali Rafikovich</b> ITALYAN TILIDA "ERKAKLIK" GENDER TUSHUNCHASINING LEKSIK-SEMANTIK VA LINGVOMADANIY TAHLIL.....	170
<b>28. Lola Ibragimova</b> INGLIZ VA O'ZBEK FRAZELOGIYASI: STRUKTUR-SEMANTIK VA LINGVOMADANIY XUSUSIYATLAR (SOG'LIQ-SALOMATLIK MAQOLLARI MISOLIDA).....	176
<b>29. Nazirova Munisa Mirzakamalovna</b> MODAL BIRLIKLARNING LINGVISTIK VA PRAGMATIK ASOSLARI.....	182
<b>30. Sharipov Raufjon Elmurod o'g'li</b> AKADEMIK G'ANIJON ABDURAHMONOVNING "TARIXIY SINTAKSIS" ASARIDA QO'SHMA GAPLAR EVOLYUTSIYASI.....	186
<b>31. N.Z.Abduraxmonova, Salomat Otamurodova</b> MASHINA TARJIMASI VA LINGVISTIK JARAYONLAR.....	191
<b>32. Davlatova Hulkaroy Uktamovna</b> BOLALARDA TIL VA TAFAKKURNING SHAKLLANISHI: LINGVOKOGNITIV YONDASHUVDA NAMOYON BO'LISHI.....	198




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

**Эргашева Турсуной Абдукаюмовна**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
хорижий тиллар кафедраси катта ўқитувчи  
tursunoyergasheva83@gmail.com

## ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ВА SALES TAX АТАМАЛАРИНИНГ ПРАГМАЛИНГВИСТИК ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.19322495>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Ўзбекистон, Россия ва АҚШ солиқ тизимларида қўлланиладиган “қўшилган қиймат солиғи” (ҚҚС/VAT) ва “sales tax” атамаларининг прагмалингвистик жиҳатдан қиёсий таҳлиliga бағишланган. Мақолада солиқ атамаларининг прагматик хусусиятлари, уларнинг контекстга боғлиқлиги, аниқ ҳуқуқий мазмуни, таржима жараёнидаги ўзгарувчанлиги ва халқаро муносабатлардаги ўрни таҳлил қилинган. Халқаро ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш учун солиқ атамаларини прагмалингвистик, ҳуқуқий ва иқтисодий нуқтаи назардан чуқур ўрганиш ва тўғри ишлатишни таъминлаш зарурлиги кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** прагмалингвистика, қўшилган қиймат солиғи, ҚҚС, VAT, sales tax, солиқ терминологияси, халқаро солиқ тизимлари, таржима хатолари, ҳуқуқий мазмун, иқтисодий механизм.

**Эргашева Турсуной Абдукаюмовна**

Старший преподаватель кафедры иностранных языков  
Ташкентского государственного экономического университета  
tursunoyergasheva83@gmail.com

## ПРАГМАЛИНГВИСТИЧЕСКИЙ СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ТЕРМИНОВ «НАЛОГ НА ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ» И «SALES TAX»

### АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена прагмалингвистическому сравнительному анализу терминов «налог на добавленную стоимость» (НДС/VAT) и «sales tax», используемых в налоговых системах Узбекистана, России и США. В статье проанализированы прагматические особенности налоговых терминов, их зависимость от контекста, точное юридическое содержание, изменчивость в процессе перевода и их роль в международных отношениях. Показана необходимость глубокого изучения налоговых терминов с прагмалингвистической, юридической и экономической точек зрения и обеспечения их правильного использования для повышения эффективности международного сотрудничества.

**Ключевые слова:** прагмалингвистика, налог на добавленную стоимость, НДС, VAT, sales tax, налоговая терминология, международные налоговые системы, ошибки перевода, юридическое содержание, экономический механизм.

**Ergasheva Tursunoy Abdukayumovna**

Senior Lecturer at the Department of Foreign Languages  
Tashkent State University of Economics  
tursunoyergasheva83@gmail.com

## A PRAGMALINGUISTIC COMPARATIVE ANALYSIS OF THE TERMS “VALUE ADDED TAX” AND “SALES TAX”

### ABSTRACT

This article is devoted to a pragmalinguistic comparative analysis of the terms “Value Added Tax” (VAT) and “Sales Tax” used in the tax systems of Uzbekistan, Russia, and the USA. The article analyzes the pragmatic features of tax terms, their context-dependence, precise legal meaning, variability in the translation process, and their role in international relations. It demonstrates the necessity of a profound study of tax terms from pragmalinguistic, legal, and economic perspectives and ensuring their correct usage to enhance the effectiveness of international cooperation.

**Keywords:** pragmalinguistics, value added tax, VAT, sales tax, tax terminology, international tax systems, translation errors, legal meaning, economic mechanism.

Иқтисодийнинг глобаллашуви ва халқаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши билан турли мамлакатлар солиқ тизимларидаги атамаларнинг ўзаро тушунишлилиги ва мос келиши долзарб муаммага айланмоқда. Айниқса, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС/НДС) ва Sales tax атамалари ташқаридан ўхшаш кўринишига қарамай, амалда турли солиқ тизимларини ифодалаши уларнинг прагмалингвистик таҳлилини алоҳида аҳамиятли қилади.

Бу атамаларнинг нотўғри тушунилиши ва таржимадаги хатоликлар нафақат лингвистик, балки иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан жуда қийин вазиятларга сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли, ушбу мақолада Ўзбекистон, Россия ва АҚШ солиқ тизимларида қўлланиладиган ҚҚС (НДС) ва sales tax атамаларининг прагмалингвистик нуқтаи назардан қиёсий таҳлилини ўз олдига мақсад қилиб олган.

Солиқ атамаларининг прагмалингвистик хусусиятлари уларнинг фақат сўз мазмунидаги эмас, балки амалий қўлланилиш контекстидаги роли ва таъсирини англатади. Прагмалингвистик нуқтаи назаридан, солиқ атамалари ўзининг семантик мазмуни билан бирга муайян ижтимоий-ҳуқуқий ва коммуникатив функцияларни бажаради.

Биринчидан, солиқ атамалари контекстга қатъий боғлиқдир. Масалан, “акциз” атамаси фақат истеъмол товарларига нисбатан қўлланилади ва уни бошқа солиқ турлари билан алмаштириб бўлмайди. Бу атаманинг прагматик хусусияти – у орқали маълум товар туркумига нисбатан солиқ юклашнинг мақсадлилигини ифодалайди.

Иккинчидан, солиқ атамалари аниқ ҳуқуқий мазмун касб этади. “Солиқ базаси” атамаси солиқ ҳисобланадиган суммани англатади ва уни нотўғри ишлатиш солиқ тўловчи учун жавобгарликка олиб келиши мумкин. Бу атамалар воситасида ҳуқуқий мажбуриятлар белгиланади.

Учинчидан, солиқ атамаларининг таржима жараёнида уларнинг прагматик мазмунини ҳисобга олиш муҳимдир. “Солиқ ҳисобидан ажратиш” атамаси солиқ суммасини камайтириш механизмини англатади.

Тўртинчидан, солиқ атамалари ўзгарувчан характерга эга бўлиб, вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин. Ўзбекистонда “солиқ ставкаси” атамаси турли йилларда ўзгарган, бу эса ушбу атаманинг прагматик мазмунига таъсир кўрсатади.

Бешинчидан, солиқ атамаларининг халқаро муносабатларда тўғри тушунилиши уларнинг прагматик хусусиятларига боғлиқ. Масалан, “ҚҚС” атамасини “савдо солиғи” билан адаштириш нотўғри, чунки бу атамалар турли солиқ тизимларида турли маънони англатади.

Солиқ атамаларининг прагматингвистик хусусиятларини тўғри англаш ва ҳисобга олиш солиқ ҳужжатларининг аниқлиги, солиқ муносабатларининг аниқлиги ва халқаро ҳамкорликнинг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши билан бирга турли мамлакатлар солиқ тизимларидаги атамаларнинг тўғри талқин қилиниши ва мослиги халқаро ҳамкорликнинг самарадорлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон ва Россия каби давлатларда жорий этилган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС/НДС) ва АҚШда амал қиладиган Sales tax атамалари ташқи қиёсда ўхшаш бўлса-да, уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва амалий механизмларида кескин фарқлар мавжуд. Бу фарқларни фақат солиқ нуқтаи назаридан эмас, балки прагматингвистика-тил бирликларининг амалий қўлланилишини ўрганувчи соҳа нуқтаи назаридан ҳам таҳлил қилиш зарур ҳисобланади. Прагматингвистика тил бирликларининг нафақат лингвистик, балки коммуникатив контекстдаги ишлатилиши, яъни уларнинг амалий қиймати, мақсади ва таъсирини ўрганадиган лингвистиканинг бир соҳасидир. Солиқ терминологияси, айниқса, унинг халқаро контекстдаги ишлатилиши прагматингвистик таҳлилнинг асосий объектидир.

Солиқ ҳужжатларидаги халқаро атамалар ичида энг муҳим атамалардан бири-бу қўшилган қиймат солиғи (Value added tax, VAT)дир. Ўзбекистон Республикасида ҚҚС (қўшилган қиймат солиғи), Россияда «налог на добавленную стоимость (НДС)» деб аталса, АҚШда ягона ҚҚС тизими мавжуд эмас, балки ҳар бир штатда алоҳида «Sales tax» амалда қўлланилади. Бу атамалар ташқи жиҳатдан ўхшаш вазифани бажарса-да (истеъмол солиғи сифатида ишлайди), ҳуқуқий ва иқтисодий мазмун жиҳатдан фарқларга эга. Шунинг учун уларни қиёсий таҳлил қилиш тилшунослик ва ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан жуда муҳимдир. Солиқ атамалари фақат лексик бирликлар эмас, балки муайян ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларни ифодаловчи концептлардир. “ҚҚС” атамаси Ўзбекистон Солиқ кодексига аниқ ҳуқуқий мазмунга эга бўлиб, у муайян солиқ юзаси, солиқ базаси, тўловчи ва муддатларни белгилайди. “Sales tax” атамаси эса АҚШнинг маълум штати контекстидаги мазмунини англатади. Уни “ҚҚС” деб тушуниш ва таржима қилиш коммуникатив ва прагматик хатолик бўлиб, ноаниқлик ва нотўғри тушунчаларга олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида ҚҚС (қўшилган қиймат солиғи) 1992 йилдан жорий этилган бўлиб, ҳозирги вақтда Солиқ кодексининг алоҳида бобида тартибга солинган. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 237-моддасида “Қўшилган қиймат солиғи – товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва айланиш жараёнида яратилган қўшилган қийматдан тўланадиган умумдавлат солиғи ҳисобланади” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон ва Россияда қўлланиладиган (ҚҚС/НДС) – бу ишлаб чиқариш ва тарқатиш занжирининг ҳар бир босқичида яратилган қўшилган қийматдан олинадиган кенг қамровли истеъмол солиғидир. Солиқ тўловчи – сотиб олган товарга тўлаган ҚҚС миқдоридан ўзи сотиб берган товар учун олган ҚҚС миқдорини айирмасини давлатга тўлайди. Бу тизим шаффофлик ва манбадаги назоратни таъминлайди. АҚШда федерал даражада ягона ҚҚС тизими мавжуд эмас. Унинг ўрнига ҳар бир штат ўз sales tax ставкасини белгилайди. Sales tax фақат товарни сўнги истеъмолчига сотилган босқичида тўланади. Ишлаб чиқарувчи ва умуман дистрибьюторлар бу солиқни тўламайдилар. Бу фарқ ҚҚСни “қўшилган қиймат” солиғи, sales taxni эса “сотув” солиғи деб аташнинг лингвистик асосидир. Прагматингвистик нуқтаи назардан, бу атамаларни нотўғри таржима қилиш ёки тенглаштириш катта хатоларга олиб келиши мумкин. Масалан, АҚШдаги “sales tax”ни “ҚҚС” деб таржима қилиш, АҚШ компаниясининг Ўзбекистонда солиқ мажбуриятларини нотўғри баҳолашига олиб келиши мумкин. Халқаро шартномаларда, агар АҚШ томони “sales tax” тушунчасини ишлатса, уни “истеъмол солиғи” деб тушуниш лозим, лекин уни Ўзбекистон ёки Россиянинг ҚҚС тизимига тенглаштириб бўлмайди. Муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон, Россия ва АҚШ солиқ қонунчилигида қўшилган қиймат солиғини қиёсий таҳлили амалга оширилди.

## Ўзбекистон, Россия ва АҚШ солиқ қонунчилигида қўшилган қиймат солиғини қиёсий таҳлили

Кўрсаткич	Ўзбекистон (ҚҚС)	Россия (НДС)	АҚШ (Sales tax)
Солиқ ставкаси	12%	20%	4–10% (штатлар)
Тўловчи	Юридик шахслар, ЯТТ	Юридик шахслар, ХК	Истеъмолчи
Ҳисоблаш	Ҳар бир босқичда	Ҳар бир босқичда	Фақат сўнгги сотувда
Экспортда имтиёз	0%	0%	Йўқ (штатлараро фарқ)
Атама	Тўғридан-тўғри	Тўғридан-тўғри	Маҳаллий атама

Ўзбекистонда “ҚҚС” атамаси унинг халқаро аналоги “Value Added Tax (VAT)”га тўғридан-тўғри мос келади. Атама рус тили орқали “НДС” халқаро атамадан (“VAT”) келиб чиққан бўлиши мумкин, аммо ўзбек тилида “қўшилган қиймат солиғи” деб тўғри ва аниқ таржима қилинган. Бу энг яхши амалиёт ҳисобланади, чунки термин ўзи ифодалаётган иқтисодий тушунчанинг моҳиятини аниқ акс эттиради.

ҚҚС (VAT) ва sales tax орасидаги асосий прагмалингвистик фарқлар қуйидаги жиҳатларда намоён бўлди:

**Халқаро стандарт ва ўзаро таъсир:** ҚҚС (НДС) Халқаро Валюта Жамғармаси ва Европа Иттифоқи тамойиллари асосида ишлайди ва кўпчилик мамлакатларда ўхшаш тарзда татбиқ этилади. Sales tax эса асосан АҚШ ва айрим бошқа мамлакатлар учун хос бўлган тизимдир. Бу фарқ халқаро солиқ ҳужжатларида терминларнинг тўғри танланишини тақозо этади.

**Ҳуқуқий мақом ва татбиқ доираси:** Ўзбекистон ва Россияда ҚҚС (НДС) умумидавлат солиғи сифатида Солиқ кодексларида тартибга солинган бўлиб, ягона ҳуқуқий майдонга эга. АҚШда эса sales tax асосан штат даражасида жорий этилиб, ҳар бир штат ўзининг ставкаси ва қоидаларини белгилайди. Бу фарқ халқаро шартномаларда солиқ бандларини ишлаб чиқишда назарга олиниши шарт.

**Лингвистик ва таржима муаммолари:** Ўзбекистон ва Россияда “ҚҚС” ва “НДС” атамалари халқаро “VAT” терминига тўғри ва аниқ таржима қилинган бўлиб, улар ягона семантик майдонни ташкил этади. АҚШдаги “sales tax” атамаси эса маҳаллий характерга эга бўлиб, уни “ҚҚС” деб таржима қилиш катта прагматик хатоликдир. Бу хатолик солиқ механизми, солиқ тўловчи субъекти ва ҳисоблаш усулидаги асосий фарқларни инкор этишга олиб келади.

**Иқтисодий механизм ва унинг таъсири:** ҚҚС (НДС) ишлаб чиқариш ва айлананишнинг ҳар бир босқичида яратилган қўшимча қийматдан олинади. Sales tax эса фақат сўнгги истеъмолчи томонидан тўланади.

**Тўловчи субъектлар ва амалий оқибатлар:** ҚҚС (НДС)да солиқ юки товар айланмасининг ҳар бир босқичидаги тадбиркорларга юкланади. Sales tax да эса солиқ юки фақат сўнгги истеъмолчига тўғри келади. Бу фарқ халқаро савдо операцияларида жиддий аҳамият касб этади, чунки бир мамлакатда солиқ тўловчи бўлса, иккинчи мамлакатда у солиқ тўловчи эмас.

“ҚҚС/VAT/НДС” ва “sales tax” атамаларининг прагмалингвистик таҳлили шуни кўрсатадики, бу терминлар фақат лексик вариантлар эмас, балки турли иқтисодий-ҳуқуқий парадигмаларни ифодаловчи концептуал фарқларга эга. Ушбу атамаларни нотўғри ишлатиш

ёки тенглаштириш халқаро иқтисодий ва ҳуқуқий алоқаларда жиддий тўсиқларга айланиши мумкин. Шу сабабли халқаро ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш учун нафақат тилшунослик, балки прагмалингвистика ва солиқ ҳуқуқи нуқтаи назаридан бу терминларни чуқур ўрганиш, уларни тушуниш ва тўғри ишлатишни таъминлаш зарур ва долзарб вазифадир. Ушбу атамаларнинг прагматик хусусиятларини тўғри англаш ва ҳисобга олиш халқаро иқтисодий алоқаларнинг самарадорлигини ошириш, ноаниқлик ва келишмовчиликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлиши мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

---

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: 2020. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Налоговый кодекс Российской Федерации. – М.: 2022. [www.nalog.ru](http://www.nalog.ru)
3. <https://www.cam.ac.uk/> University of Cambridge
4. Bittker B. I., Lokken L. Fundamentals of International Taxation. – Warren: 2023.
5. Петрова В. Н. Сопоставительный анализ налоговой терминологии. – Москва: Финансы и статистика, 2020.
6. Щетинин Р. Б. Налоговая терминология: лингвистический и правовой аспекты. – Екатеринбург: 2021.
7. Хаванова И. А. Прагмалингвистический анализ налоговых терминов в международных договорах / И. А. Хаванова // Вестник Московского университета. Серия 22. Теория перевода. — 2019. — № 4. — С. 78–92.
8. Charles J. Fillmore Frame Semantics In Linguistics in the Morning Calm, Seoul, Hanshin Publishing Co., 111-137. 1982 y.
9. Christians A. Networks, Norms and National Tax Policy / A. Christians // University of Wisconsin Law School. — 2016. — 35 p.
10. Gonzalez S. A. Linguistic Challenges in International Tax Law: A Pragmatic Analysis / S. A. Gonzalez // World Tax Journal. — 2018. — Vol. 10, No. 2. — P. 45–67.

# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА  
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000